Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

3 4-йил чиқиши
ФЕВРАЛЬ 1969 й.
ДУШАНБА
№ 28 (792).
БАҲОСИ 2 ТИЙИН

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

ЖАҲОННИНГ 26 МАМЛАКАТИГА

Тошкентдаги химия фармацевтика заводи ўз маҳсулотларини жаҳоннинг 26 мамлакатига юбормоқда. Экспорт моллари юз хилга яқиндир.

Корхона меҳнат аҳли республика олимлари билан ҳамкорликда янги фойдали дори-дармонларни ишлаб чиқаришни ўзлаштирмоқда. Улар маҳаллий хом ашёлардан тайёрланмоқда. Бу хом ашёлар орасида галантамин, жорален, рутин, кобальт—30, коамид ва бошқалар бор.

1968 йилда завод планлаштириш ва моддий рағбатлантиришнинг янги системасига ўтган эди.

Корхона меҳнат аҳли пролетариатнинг буюк доҳийси В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган умумхалқ социалистик мусобақасида қатнашиб, ажойиб меҳнат муваффақиятларини қўлга киритмоқда. Завод коллективи 1970 йилнинг 7 ноябригача беш йиллик планни бажариш ва планга қўшимча равишда кўплаб маҳсулот тайёрлаш ҳақида шарафли мажбурият олди.



СУРАТДА: Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент ремонт-техника заводининг пешқадам ишчиси Уктам Қорабоев.



В. И. ЛЕНИН ОБРАЗИ САНЪАТДА

Улуғ доҳиймиз В. И. Ленин туғилган кўнининг 100 йиллик юбилейи олдидан Алишер Навоий номли кутубхонада «В. И. Ленин образи тасвирий санъатда» деган мавзуда китоблар кўргазмаси очилди. Унда Р. Я. Аболинанинг «Ленин образи тасвирий санъатда», атоқли совет рассомлари П. Васильев, Н. Жуков асарларидан ташкил топган «Ленин альбоми», В. И. Зименконинг «Улуғ Ленин образи тасвирий санъат асарларида», «В. И. Ленин фотосанъатда», «Томоша залида Владимир Ильич», «Ленин образи совет саҳнасида», «Экранда Ленин зиёси», «Ленин образи совет музикасида», каби-бир қатор китобларни кўриш мумкин.

Тошкендаги 119-ўрта мактабда доҳиймиз В. И. Ленинга бағишланган мактаб музейини очишга катта тайёргарлик олиб борилаётир. Музей экспонатлари асосан мактаб ўқувчилари томонидан тайёрланмоқда.

СУРАТДА: 7-синф ўқувчиси Зироат Зиявева музейдаги гулларни парвариш қилаётир.

Р. Альбеков фотоси.

ҒАЛАБА РАПОРТИ

Тошкентдаги 1-ун комбинатининг меҳнат аҳли 1969 йилнинг дастлабки кунларини меҳнатда ажойиб ютуқлар билан бошлаган эди. Коллектив аъзолари Совет давлатининг асосчиси В. И Ленин туғилган кунининг 100 йиллик юбилейи шарафига социалистик мусобақани кенг авж олдирмоқда.

Ўнчилар январь ойининг иккинчиларига, қарамай меҳнатда ажойиб ғалабани қўлга киритдилар. Улар январь ойи топшириғи муддатидан илгари бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти бердилар. Коллектив планга қўшимча равишда 440 тонна сортли ун ёки 72 минг сўмлик маҳсулот тайёрлаш ҳақида мажбурият олган эди. Бугун редакциямизга хабар қилишларича, мажбурият ҳам бажарилган.

САЙЛОВОЛДИ ИШЛАРИ ҚИЗҒИН

16 МАРТ Маҳаллий Советларга САЙЛОВ

Агитаторлар хонаси шинам жиҳозланган. Деворга пролетариатнинг доҳийси В. И. Ленининг ҳаёти ва революцион фаолиятини акс эттирувчи стенд ҳамда турли плакатлар, навбатчилар рўйхати, агитпунктнинг иш плани осилган.

Агитпункт мудирининг ўринбосари Т. Камолов агитаторлар билан суҳбатлашяпти. У агитаторларга келгусида қилинадиган ишларни аниқ тушунтириб бўлгач, агитаторлар ўзларига бириктирилган хонадонларга тарқалишди.

Мудир ўринбосаридан биз агитаторларнинг маҳаллий Советларга бўладиган сайловлар арафасида сайловчилар ўртасида олиб бораётган ишлари ҳақида гапириб беришини сўрадик.

— Аввало,— дея сўз бошлади ўртоқ Т. Камолов, —агитаторларимиз фақат сайлов арафасидагина иш бошламайдилар. Улар бутун йил давомида «Социализм», «Байналминал» маҳаллалари аҳолиси ўртасида ташвиқот ишларини олиб борадилар. Айниқса кеч кириши билан агитпунктимиз одамлар билан янада гавжумлашади. Уларнинг баъзилари кундалик янгиликлардан хабардор бўлиш учун янги газета ва журналларни кўздан кечирсалар, баъзилари шахмат доскаси устида куч синашадилар. Яна бошқалари эса турли мавзуларда шарҳ ёки суҳбат қурадилар. Хонамиз ҳар доим очиқ. Навбатчилар белгиланган. Сайловчилар истаган вақтларида бу ерга келиб ўзларини қизиқтирган саволларига жавоб олишлари мумкин.

Ўқитувчи - агитаторлардан И. Алимуҳамедов, З. Ғуломова, Ғ. Икромова, Ш. Ҳусниддиновалар бошқаларга ўрнак бўлмоқдалар.

Агитаторлар ўтказган суҳбатлар дафтарида «Фаровонлигимиз Октябрь туфайли», «Совет давлати — тинчликнинг гарови», «Совет сайлов системаси дунёда энг одил сайлов системасидир», «Оилада бола тарбияси» темаларида ҳамда халқаро аҳвол масалалари юзасидан ўтказилган суҳбатлар қайд этилган.

Тошкентдаги 41-мактаб биносида жойлашган 46-сайлов участкаси агитпунктида бўлган киши ҳақиқатан ҳам бу ерда сайловолди ишлари яхши йўлга қўйилганлигининг шоҳиди бўлади.

Ф. ҒОЙИБОВ.

● *Олимлар — ишлаб чиқаришга*

ХИМИЯМИЗ ХОМ АШЁСИ

Нефть ва газ кейинги пайтда химия саноатининг энг арзон хом ашёси бўлиб қолди. Шунинг билан бирга туганмас бойликка эга бўлган республикамиз газ ва нефти Ўрта Осиё республикалари саноат корхоналари ва аҳолиси учун арзон ёқилғи ҳисобланади. Бу ёқилғи Урал ва Марказий Россиянинг шаҳар-қишлоқларига ҳам етиб борди.

Нефтни қайта ишлаш саноати Ўрта Осиё илмий-текшириш институти эндигина беш ёшга кирган бўлса ҳам унинг олимлар коллективи талай проблемаларни ҳал этди. Лабораторияларни энг замонавий аппаратлар ва приборлар билан таъминланган.

Институт олимлари яратган ва ишлаб чиқаришга топширилган янгиликлардан бири — таркиби яхшиланган мебель лакидир. Бу лак бир соатда қурийди. Еки химиявий усул билан чигит пўстлоғидан олинган ацеталь смоласини олиб кўрайлик. Ацеталь смоласини фақат кабель ишлаб чиқаришда қўллашдан завод йилига юз минг сўмликдан зиёд иқтисодий фойда кўради. Бу смола кабелнинг нисқа бардошлилигини ва нам ўтказмаслик хусусиятини бир мунча оширади. Бундан ташқари кабелни ишлаш технологияси ҳам қулайлашади. Чунки, кабелга смоланган хона температурасида қоплаш мумкин.

Нефть химиясини ривожлантиришга янги катализаторлар яратиш устида иш олиб бораётган олимлар ҳам катта ҳисса қўшмоқдалар. Алюминий - никель - молибден катализатори улар яратган янгиликлардан биридир. Бу катализаторнинг нефтни тозалашда қўлланиши бензин сифатини оширади.

Умуман институт олимлари ўнлаб илмий янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этдилар. Бу янгиликлар туфайли юз минг сўмлаб маблағ тежаб қолинмоқда. Олимларнинг ишлаб чиқаришга кўрсатаётган ёрдамлари мамлакат нефть химияси корхоналарида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга ёрдам беряпти.



● *Фан ва техника янгиликлари*

Статистика ҳисоблаш марказида

Республика марказий статистика бошқармасининг ҳисоблаш марказини пойтахтимизнинг илмий ҳисоблаш даргоҳларидан бири дейиш мумкин. Бу ерда энг замонавий комплекс ҳисоблаш техникасининг ёрдами билан иқтисод, инженерлик, конструкторлик, планлаштириш, қурилиш ва халқ хўжалигининг бошқа мураккаб масалаларига оид ҳужжатлар ҳамда масалаларнинг аниқ ҳисобини чиқариш мумкин. Ҳозир ҳисоблаш маркази шаҳардаги 44 корхона, қурилиш ва ташкилотларнинг мураккаб бухгалтерия ҳисоб масалаларини тайёрлаб бераётир. Шунингдек, Ўзбекистон халқ хўжалиги статистикасининг барча ҳисоб ахбороти ҳам шу ерда ҳисоблаб ишланади. Ҳисоблаш маркази яқин келажакда энг сўнгги ҳисоблаш электрон машиналари билан таъминланади. Бунинг натижасида эса энг мураккаб масалаларнинг ҳисобини чиқариш имконияти яратилади. Ҳозирги пайтда ҳисоблаш марказидаги электрон ҳисоблаш машиналари бир секунда 5 — 6 минг мураккаб ҳисоблаш операцияларини бажармоқда.

Суратларда: (чапдан ўнгга) электрон машиналари бўлимида программа инженерларидан В. Беспамятников, Эльмира Мамедова ва электрон инженери Хусан Хўршидов ўртоқлар мураккаб масалаларни ечиш устида ишламоқдалар.

Электрон ва ҳисоблаш перфарация машиналари цехида бухгалтерия ҳужжатларининг ҳисоб китоби аниқланаётир. Зострон аппаратлари цехининг бош оператори Антонина Резникова навбатдаги масалани ечмоқда.





ЭРТАЛИКЛАР

Яқинда шаҳардаги пойафзалчилар маданият саройида ўқувчилар учун эрталиклар ўтказилди. Уларда Совет ҳокимиятининг дастлабки йилларидаги иқтисодий аҳволи ва ҳозирги тараққиёти ҳақида қизиқарли суҳбатлар ўтказилди. Эрталик охирида болаларга ўзбек тилида «Тошкент — нон шаҳри» янги бадиий фильми намойиш қилинди.

ҚАДИМИЙ ШАҲАРНИНГ ХАРИТАСИ

БУГУН

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг тарих ва археология институти Тошкент археология отряди ўрта асрлардаги Тошкент (Бинкет) шаҳрининг чегараларини аниқлашга доир тадқиқот ишларининг муҳим бир қисмини тугатди. Олимлар узоқ йиллар мобайнида олиб борилган тадқиқот ишлари натижасида Эски шаҳар, Чиғатой, Самарқанд-дарбоза ва бошқа жойлар қадимий шаҳарнинг асосий районлари деб топилди.

Янги маълумотлар археологларга ҳозирги Ўзбекистон пойтахтининг тарихий-топографик картасини аниқ тузишда жуда ҳам қўл келади. Бу қизиқарли ҳужжатни тузишда институт ходимларидан катта бир группаси ишламоқда.



Ишлаб чиқариш зарбдори Зоя Кондратьева абразив комбинатининг тажрибали ветеран ишчиларидан бири. Шу корхонада кўпдан буён баракали меҳнат қилиб келаётган бу ишчи аёл ҳар сменада бир неча вагонетка маҳсулотни тоблаш учун тайёрлаб беради.

СУРАТДА: тобловчи З. Кондратьева; М. Нуриддинов фотоси.

РЕЙХСТАГГА БАЙРОҚ ҚАДАГАНЛАР

Фашизмнинг уяси бўлган Рейхстагга Совет Армиясининг лоларанг ғалаба байроғи қадалганига 24 йил бўляпти. Шу буюк ғалабани қўлга киритишда неча минглаб совет ўғлонлари мардлик ва жасорат намунасини кўрсатдилар. Бутун дунёни ҳайратга солган ана шу воқеанинг қаҳрамонлари гўзал Ўзбекистонимизга ташриф буюришди.

Меҳмонларимиз орасида 150-дивизиянинг командири, Совет Иттифоқи Қаҳрамони, генерал-полковник В. М. Шатилов, сержант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони М. А. Егоров, рота командири, лейтенант, Совет Иттифоқи Қаҳрамони Ю. Кокорекин ва бошқалар бор. Қаҳрамонлар Тошкент шаҳрида бироз дам олганларидан кейин Наманганга учиб кетдилар. У ерда қаҳрамонларнинг сафдошлари, Рейхстаг устига байроқ қадашда қатнашган дўстлари бор. Қаҳрамонларнинг учрашуви ажойиб тантанага айланиб кетади.

Улуғ Ватан урушининг чинакам баҳодирлари Наманган шаҳрининг меҳнаткашлари билан учрашувлар ўтказиб, уларга шонли воқеанинг таассуротлари ҳақида гапириб берадилар.

Бир неча кундан кейин қаҳрамонлар Тошкент шаҳрига қайтиб келишади ва республика «Билим» уйида пойтахт меҳнаткашлари билан учрашув ўтказишади.

ОБ-ҲАВО БУГУН

ҳаво бироз булутланиб турсада, ёғингарчилик бўлмайди. Эрталаб туман тушади, температура кечаси 11—13 даража совуқ, кундузи 0—2 даража иссиқ.

ЖАҲОН ГАЗЕТАЛАРИДА

◆ Кеча бутун совет халқи немис-фашист қўшинларининг Волга остонасида яксон қилинганининг 26 йиллигини нишонлаётганларида Жанубий Яман Халқ Республикасининг Президенти Кахтан Муҳаммад Ашшааби Волгоградга келди. Дўстона давлат делегациясининг раҳбари граждалар ва Улуғ Ватан урушида ҳалок бўлган қаҳрамонларга ўрнатилган ҳайкал тагига гулчамбар қўйди.

◆ Совет Иттифоқи билан Венгрия Халқ Республикаси ўртасида товар алмашиш ҳақидаги музокаралар муваффақиятли якунланиб, протокол имзоланганидан сўнг Венгрия Халқ Республикасининг ташқи савдо министри Йожеф Биро кеча ўз Ватанига учиб кетди.

◆ Совет Иттифоқи Маршали Климент Ефремович Ворошилов ўзининг шахсий қуроли — қилич ва револьверини, шунингдек «Ҳаёт ҳақида қиқоялар» хотиралар китобини Қизил Байроқли Қора денгиз флотининг ҳарбий-денгиз музейига совға сифатида топширди.

ЛАУРЕАТЛАР

Ижтимоий фанлар бўйича 2-бутуниттифоқ студентлар конкурси. Ҳамманинг кўзи минбарда.

Низомий номли педагогика институти тарих факультетининг 4-курс студенти Жамила Багирова «Ленин ва пахтачиликни ривожланиши» темасида тўлиб-тошиб гапирар экан тингловчилар унинг идроки, асосли гапларига қойил қолишди. Шу факультетнинг 3-курс студенти С. Парпиева Ўзбекистон хотин-қизлари ҳақида сўзлаганида ҳам кўпчилик эътибор билан тингларди. Парпиеванинг курсдоши Ш. Тўқсоновнинг чиқиши ҳам кўпчилик диққатини қамради.

Мазкур институтнинг юқорида айтиб ўтилган уч студенти конкурс лауреати бўлди.

● ФАН ОЛАМИДА

КОТОРАН

Ўзбекистон Фанлар академияси ўсимликлар экспериментал биологияси институтининг физиологик актив моддалар ахтариш лабораторияси бошлиғи А. А. Раҳимов раҳбарлигида ёввойи ўтларга қарши курашадиган янги препарат — которан гербициди ишлаб чиқилди. Бу препарат ғўзанинг ва бошқа маданий ўсимликларнинг душмани бўлган ёввойи ўтларга қарши курашда катта аҳамиятга эга. У 90 процентча ёввойи ўтни йўқотади.

Ундан ташқари худди шу институт ходимлари томонидан ишлаб чиқилган биоген стимулятор — қаҳрабо кислотаси республикамиз колхоз, совхозларига кенг тарқатилган эди. У ғўза ҳосилини гектарига 2 - 3 центнердан ошираётгани маълум бўлди.

КЎЧАЛАРНИ ҚОРДАН ТОЗАЛАЙЛИК

ФИДОКОРОНА ИШЛАДИЛАР

Икки кун мобайнида Киров районида 38 кўча қордан тозаланди. Район ижроия комитети раисининг ўринбосари ўртоқ Расулев шанба ва якшанбада фидокорона ишлаган коллективларни айтиб берди.

Биринчи галда йўл-эксплуатация участкаси ходимларининг меҳнатини тақдирлаш керак. 18 кишининг ҳар бири ғайрат билан ишлади. Улар Урицкий кўчасидан «Спутник» кинотеатригача бўлган масофадаги ирригация тармоғини қордан тозаладилар. Район мактабларининг юқори синф ўқувчилари ҳам ғайрат қилдилар. Фақат шанба кунининг ўзида мактаблардан 600 бола шаҳар кўчаларини тозалашда қатнашди.

Қор эриши натижасида сув тошиш хавфини йўқотишда 145-район автодормехбазаси самосвал ҳайдовчилари муносиб хизмат қилдилар.



СУРАТДА: В. И. Ленин номли майдон қордан тозаланаётир.

М. Нуриддинов фотоси.

ЎРНАК БЎЛМОҚДА

Чилонзор районида айниқса Янгиобод, Куварариқ, Ильич номли, Титов номли маҳаллаларнинг аҳолиси ўрнак бўлмоқда. Шанба ва якшанба кунлари ўтказилган ҳашарда 2000дан ортиқ киши қатнашди.

— 400 мингдан ортиқ аҳоли ва ўнларча қор тозаловчи механизм ҳамда автомашиналар шу кунларда Чилонзор районида тинимсиз ишлади, — деб хабар қилади район коммунал хўжалик бўлимининг мудири ўртоқ Ғаниев.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОМИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

51-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Муқимжонов** Раҳимжон — Пушкин номли меҳмонхона коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Берлин** Александр Абрамович — санъат бош бошқармаси, коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Попова** Лариса Александровна — композиторлар союзи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Мўминжонов Шоди — 20-ЖЭК коммунистик ташкилотидан.

Воронова Алла Кириловна — 20-ЖЭК касаба союз ташкилотидан.

52-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Бабаян** Евгений Николаевич — «Союзгипрорис» Тошкент сектори коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Шевцова** Антонина Кузьминична — «Узтяжпромэлектропроект» институти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Жилина** Людмила Тимофеевна — «Узглавкомплект оборудования» комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Авербух Моисей Павлович — 39-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Ражабова Зеби — «Узтяжпромэлектропроект» институти касаба союз ташкилотидан.

53-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Захарченко** Иван Гаврилович — 36286-марказий омонат кассаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Кричевский** Марк Юрьевич — «Узглатара» коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Почкаева** Елена Викторовна — 64-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Бахромов Аскар — ташқи савдо министрлиги вакиллиги касаба союз ташкилотидан.

Фролов Василий Николаевич — 47-мактаб коммунистик ташкилотидан.

54-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Аҳмедов** Раҳбар Аҳмедович — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси, зоология институти, коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Тургунова** Умринисо Тургуновна — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси зоология институти, касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Аничков** Константин Сергеевич — 64-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Галимов Шавкат Мазитович — Хайвонот боғи коммунистик ташкилотидан.

Бондарь Раиса Павловна — 9-поликлиника, коммунистик ташкилотидан.

55-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Қодиров** Аброр Асрорович — САНИИРИ коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Пўлатов** Аббос — САНИИРИ касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Циганова** Тамара Михайловна — САНИИРИ касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Юсупов Ёқуб — САНИИРИ коммунистик ташкилотидан.

Ваньюшин Владимир Григорьевич — Тельман номли парк касаба союз ташкилотидан.

56-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Егоров** Юрий Васильевич — Яйлов мелиорацияси трести коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Орипов** Турғун — Район саноат комбинати коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Крутова** Алла Викторовна — Яйлов мелиорацияси трести комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Жориков Лев Кирилович — Яйлов мелиорация трести касаба союз ташкилотидан.

Замулина Лилия Семёновна — район саноат комбинати касаба союз ташкилотидан.

57-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Аброрхўжаев** Анвар САНИИРИ коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Маллаев** Борис Гаврилович — САНИИРИ касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Погожева** Нина Фролова — САНИИРИ касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Жёлтикова Любовь Павловна — 1-ҳаммом — кир ювиш комбинати, касаба союз ташкилотидан.

Алимуҳамедов Азиз — 1-ҳаммом — кир ювиш комбинати, коммунистик ташкилотидан.

58-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Долматова** Лидия Семёновна — 18-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Федотов** Борис Алексеевич — 18-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Михалко** Вера Александровна — Районо касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Гурфинкель Владимир Семёнович — Тошкент ирригация қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Шаропов Қодиржон — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

59-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Данильянц** Неля Лазаревна — 142-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Панарина** Александра Степановна — 18-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Халина** Людмила Александровна — 142-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Малишев Михаил Егорович — 103-автобаза касаба союз ташкилотидан.

Коваленко Лилия Петровна — 103-авторембаза касаба союз ташкилотидан.

60-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Новиков** Михаил Борисович — Тошкент экскаватор заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ляшенко** Лариса Дмитриевна — 54-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Бадалова** Шоҳида Йўлдошевна — Тошкент экскаватор заводи коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Қосимов Анвар — Тошкент экскаватор заводи комсомол ташкилотидан.

Гаврилов Николай Васильевич — Тошкент экскаватор заводи комсомол ташкилотидан.

61-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ярмонов** Дмитрий Иванович — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Зима** Владимир Николаевич — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш институти коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Баскакова** Валентина Борисовна — Тошкент консерваториясининг касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Арутюнян Лилия Арамовна — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти касаба союз ташкилотидан.

Шоғиёсов Шавкат — Протез-ортопедия заводи коммунистик ташкилотидан.

62-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Дримкин** Иван Петрович — Салор йўл дистанцияси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Силин** Сергей Андреевич — 15-клиник касалхона касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Конавальчук** Татьяна Афанасьевна — 15-клиник касалхона коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Бобоев Неъматилла — 15-клиник касалхона касаба союз ташкилотидан.

Мажидов Ҳаким Усмонович — Авторемзавод коммунистик ташкилотидан.

63-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Мирзамаҳмудов** Аҳмаджон Ғиёсович — врачлар малакасини ошириш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Жилин** Михаил Васильевич — врачлар малакасини ошириш институти коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Пильшикова** Галина Владимировна — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Орешина Екатерина Алексеевна — мармар заводи касаба союз ташкилотидан.

Мухиддинов Абдурашид — врачлар малакасини ошириш институти комсомол ташкилотидан.

64-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Аъзамхўжаев** Саид Аъзамович — врачлар малакасини ошириш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Аҳмедова** Раъно Ориповна — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Каспарова** Ирина Артёмовна — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Петров Анатолий Георгиевич — мармар заводи коммунистик ташкилотидан.

Панасенко Владимир Иванович — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

65-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Маматқулов** Турсун — 40-профессионал техника билим юрти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Тенчурина** Осиё Хакимовна — Гидромелиорация техникуми коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Орлова** Татьяна Семёновна — Гидромелиорация техникуми касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Васильева Людмила Николаевна — Тошкент область базаси касаба союз ташкилотидан.

Олимов Осим — Гидромелиорация техникуми касаба союз ташкилотидан.

66-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Гулян** Нелля Христофоровна — 148-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Муҳаммаджонов** Аҳмаджон — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Иванова** Нелля Михайловна — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Кладов Семён Дмитриевич — 15-уй-жойлардан фойдаланиш идораси касаба союз ташкилотидан.

Сандаҳмедов Асқар Муҳамедович — 148-мактаб касаба союз ташкилотидан.

67-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Розин** Иван Михайлович — 55-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Морозова** Мария Михайловна — 15-уй-жойлардан фойдаланиш идораси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Раннева** Алла Михайловна — 15-уй-жойлардан фойдаланиш идораси комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Стручкова Валентина Ивановна — почта переводлари назорати бюроси комсомол ташкилотидан.

Кочарьян Георгий Саркисович — переводлар назорати бюроси касаба союз ташкилотидан.

68-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Сушилина** Ирина Гавриловна — Тошкент олий партия мактаби коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Гофурова Дилора** Фаёзовна — врачлар малакасини ошириш институти коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Ҳамидова** Манзура Ҳамдамовна — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Эргашева Муяссар Тўхтасиновна — врачлар малакасини ошириш институти — касаба союз ташкилотидан.

Муҳиддинов Акбар Мақсудович — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

69-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Дадамуҳамедов** Абдумалик — врачлар малакасини ошириш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Карпова** Валентина Леонидовна — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Мушенкова** Нина Фёдоровна — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ҳасанов Тофиқ Ҳасанович — врачлар малакасини ошириш институти коммунистик ташкилотидан.

Шукуров Маҳмуд Шукурович — врачлар малакасини ошириш институти касаба союз ташкилотидан.

70-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Свирденко** Сергей Иванович — Тошкент олий партия мактаби коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Шарифхўжаева** Жўра — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Чернова** Надежда Петровна — «Узбекхлопкомаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Юсупов Вали Зокирович — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Поморцев Лев Алексеевич — «Узбекхлопкомаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

71-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Шомуҳамедов** Шоодам — устки трикотаж фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Олимова** Мукаррам — 112-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Мухина** Ольга Николаевна — устки трикотаж фабрикаси комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Казаков Георгий Люкянович — 112-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Нарежная Светлана Павловна — устки трикотаж фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

72-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Собиров** Миролим Собирович — Самарқанд кооператив савдо институти филиали коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Сколозубов** Борис Дмитриевич — —2-қурилиш бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Тўхтаметов** Хикматулла — 2-қурилиш бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Шелочкова Мария Ивановна — 2-қурилиш бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Зимченко Валерий Константинович — 2-қурилиш бошқармаси комсомол ташкилотидан.

73-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Минаваров** Сайфулла — савдо-кулинария техникуми касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Тўлаганов** Карим — савдо-кулинария техникуми коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Петров** Юрий Анатольевич — савдо-кулинария техникуми касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Усмонов Самин — 87-автобаза касаба союз ташкилотидан.

Тоҳиров Зоҳид Комилович — 112-мактаб касаба союз ташкилотидан.

74-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Каюк** Николай Архипович — 130-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Шпилькова** Любовь Сергеевна — 130-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Карнилова** Ирмида Кузьминична — 130-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Сколозубов Владимир Дмитриевич — 2-қурилиш бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Тахтамов Неъматулла — 2-қурилиш бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

75-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Сидоров** Виктор Фёдорович — 87-автобаза коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Старшова** Анна Ивановна — 1-автопарк касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Муборакшин** Виктор Муҳамедшоевич — 87-автобаза коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Вахитова Галина Салиҳовна — 71-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Баранчикова Анастасия Александровна — 1-автопарк касаба союз ташкилотидан.

76-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Журовская** Юлия Моисеевна — грампластинкалар заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Никуленко** Станислав Дмитриевич — савдо жиҳозлари заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Бровкова** Надежда Александровна — грампластинкалар заводи касаба союз ташкилотидан

Сайлов комиссияси аъзолари:

Клепикова Вера Михайловна — грампластинкалар заводи касаба союз ташкилотидан.

Шорустамов Азиз — Савдо жиҳозлари заводи коммунистик ташкилотидан.

77-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Братановская** Майя Глебовна — ўқитувчилар малакасини ошириш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Попова** Лидия Александровна — 71-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Коленова** Анастасия Михайловна — 1-автопарк касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Бобожонов Йўлдош — «Узлесстройторг» коммунистик ташкилотидан.

Гагарина Сервис — Ўзбекистон савдо ускуналари заводи касаба союз ташкилотидан.

78-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Барашков** Александр Алексеевич — 1-ремонт механика заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Алимов** Бобохон — «Ўзбекбирлашув» га қарашли савдо ускуналари заводи комсомол ташкилотидан.

Секретарь — **Данилова** Надежда Григорьевна — 1-автопарк коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Мусаев Қодир — 1-автопарк коммунистик ташкилотидан.

Ўримбоев Баркан — 1-автопарк коммунистик ташкилотидан.

79-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Рижков** Михаил Григорьевич — Савдо министрлигига қарашли савдо ускуналари заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ступницкий** Иван Евгеньевич — «Средазтрансстрой» трести ремонт-прокат базаси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Мухторова** Галия Аглиевна — «Средазтрансстрой» трести ремонт-прокат базаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Нурмуҳамедов Раҳматилла Эргашевич — Савдо ускуналари заводи коммунистик ташкилотидан.

Гарифуллина Софья Алеевна — грампластинка заводи касаба союз ташкилотидан.

80-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Никитин** Федор Андреевич — «Ташкентқабель» заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Лобода** Надежда Матвеевна — «Ташкентқабель» заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Адапов** Абдувохид — кабель саноати илмий тадқиқот институти коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ершова Лениниана Александровна — «Ташкентқабель» заводи касаба союз ташкилотидан.

Болотнов Павель Кузьмич — «Ташкентқабель» заводи касаба союз ташкилотидан.

81-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Пўлатова** Марьям — Тошкент қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Думарельская** Тамара Константиновна Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Хриновский** Захар Арсентьевич — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини ирригациялаш ва механизациялаш инженерлари институти коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Решетов Карл Павлович — 1-нон заводи коммунистик ташкилотидан.

Кукота Тамара Валентиновна — пахта тайёрлаш трести касаба союз ташкилотидан.

82-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Лобода** Надежда Матвеевна — «Ташкентқабель» заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Барамикова** Любовь Мефодьевна. — Ўзбекистон ССР Марказий статистика бошқармасининг касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Хусаинова** Резита Рахматуллаевна — «Ташкентқабель» заводи коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Молоков Григорий Степанов — 71-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Зокиров Собир — «Ташкентқабель» заводи касаба союз ташкилотидан.

83-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Рустамов** Ўктам — 14-область поликлиникаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Аҳмедов** Хайбулла Алиевич — консерва заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Житомирская** Сусана Марковна — Область таъминот бошқармаси базаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Исматиллаева Тўхта — консерва заводи коммунистик ташкилотидан.

Рохатов Жўра — Область таъминот бошқармаси базаси комсомол ташкилотидан.

84-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Есебуа** Гурам Владимирович — консерва заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Устаазизов** Акбар — консерва заводи касаба союз тошкилотидан.

Секретарь — **Коверина** Анастасия Григорьевна — консерва заводи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Абдурасулова Мансура — «Фан» босмахонаси комсомол ташкилотидан.

Чурчилова Антонина Ивановна — «Фан» босмахонаси касаба союз ташкилотидан.

85-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Халафьянц** Анда Алексеевна — 225-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Николаева** Нелля Трофимовна — 225-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Шульгина** Галина Павловна — 225-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Чернов Никита Никитович — 2-йўл қурилиши бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Каримов Шавкат Жамолович — 28-турар жой идораси касаба союз ташкилотидан.

86-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Азизова** Саноат Собировна — ўсимликлар химияси институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Солодилов** Георгий Васильевич — ўсимликлар химияси институти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Фатхуллаева** Махсума — ўсимликлар химияси институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Новиков Николай Семёнович — — ўсимликлар химияси институти касаба союз ташкилотидан.

Раҳмонбеков Нусрат — ўсимликлар химияси институти коммунистик ташкилотидан.

87-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ибулаев** Иликай Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг шаҳар конструкторлик бюроси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Рўзиев** Ҳикмат — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шаҳар конструкторлик бюроси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Газимова** Таисия Николаевна — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси шаҳар конструкторлик бюроси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Йўлдошев Тўлаган — консерва заводи коммунистик ташкилотидан.

Иброҳимов Энвер — 2-ёғочни қайта ишлаш заводи касаба союз ташкилотидан.

88-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси: — **Пряхин** Сергей Иванович — «Ўзбекбирлашув»га қарашли савдо ускуналари заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Воробьева** Людмила Алексеевна — 190-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Никуленко** Валентина Нестеровна — «Ўзбекбирлашув»га қарашли савдо ускуналари заводи комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Сюткин Михаил Андреевич — — «Ўзбекбирлашув»га қарашли савдо ускуналари заводи комсомол ташкилотидан.

Воҳидов Рашид — 4-трест 25-қурилиш бошқармасининг касаба союз ташкилотидан.

89-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комисоиясининг раиси — **Ҳасанов** Қодир Ҳасанович — 191-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Циганова** Юлия Васильевна — 191-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Колесова** Людмила Петровна — 191-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Маҳмудов Хожиакбар — Кибернетика институти коммунистик ташкилотидан.

Иброҳимхўжаев Собир — Кибернетика институти касаба союз ташкилотидан.

90-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Тўйчиев** Абдусаттор Абдусалимович — нефтни қайта ишлаш институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Заданцова** Тамара Павловна — 221-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Анненкова** Светлана Наримоновна — 221-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Исроилова Мастура — 221-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Нурхўжаев Қилич Шокирович — нефтни қайта ишлаш институти касаба союз ташкилотидан.

91-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Юсупов** Искандар Азимович — шарқшунослик институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Салимова** Фарида — шарқшунослик институти комсомол ташкилотидан.

Секретарь — **Жалилова** Раъно — шарқшунослик институти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Муҳамедов Ҳикмат — Район озиқ-овқат савдоси бўлими касаба союз ташкилотидан.

Туюнбоева Маҳбуба — район озиқ-овқат савдоси бўлими коммунистик ташкилотидан.

92-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Алиев** Эш Алиевич — кўнгилли ўт ўчириш жамияти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Маматов** Юрий Юсупович — кар болалар мактаб-интернати касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Астанина** Раиса Ивановна — карлар мактаб-интернат касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Устабоева Нелля Каржабоевна — кўнгилли ўт ўчирувчилар жамиятининг комсомол ташкилотидан.

Чунтукова Дилором Абибуллаевна — кар болалар мактаб-интернат касаба союз ташкилотидан.

93-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Имомбердиев** Карим ойна мебель фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Струначев** Дмитрий Ефимович — музика асбоблари фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Котелевский** Пётр Васильевич — музика асбоблари фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Волков Георгий Михайлович — ойна мебель фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Акбарова Ҳафиза — музика асбоблари фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

94-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Мавлонхўжаев** Ғулом Ўмарович — ҳунар техника таъминоти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Черникова** Алла Андреевна — ҳунар техника таъминоти касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Малюков** Магафар Зокирович — 21-қишлоқ хўжалиги ҳунар техника билим юрти касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Субхонқулова Асьма Сафиевна — 21-қишлоқ хўжалиги ҳунар техника билим юрти коммунистик ташкилотидан.

Умаров Анвар — ҳунар-техника таъминоти касаба союз ташкилотидан.

95-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Шубина** Кира Александровна — 209-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Дебельний** Дмитрий Васильевич — электротехника устахонаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Мавлоний** Машкура — Ўзбекистон ССР Фанлар академияси микробиология институти коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Сулаймонова Ноди — 209-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Абдужабборов Иноят — 209-мактаб касаба союз ташкилотидан.

96-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ройтман** Анатолий Яковлевич — 207-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Аҳмедов** Мулла Юнусович — Тошкент қишлоқ хўжалиги институти коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Старцева** Галина Ивановна — 207-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Турдиалиев Илёс — Кооперация савдоси касаба союз ташкилотидан.

Соколова Эмма — 207-мактаб касаба союз ташкилотидан.

97-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ермолина** Александра Петровна — болалар сил касаллиги санаторийси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Яхудина** Роза — Чирчиқ йўл эксплуатацияси бошқармаси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Ведуто** Вера Степановна — болалар сил касаллиги санаторийси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Казакова Антонина Кирилловна — Чирчиқ йўл эксплуатацияси бошқармаси касаба союз ташкилотидан.

Якимчук Наталья Александровна — болалар сил касаллиги санаторийси касаба союз ташкилотидан.

98-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Дедикова** Зинаида Михайловна — 2-тикув фабрикаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Галочкина** Зинаида Егоровна — 2-тикув фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Усеннова** Инжифа — 2-тикув фабрикаси комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Касьянова Тамара Матвеевна — 2-тикув фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

Маматова Манзура Қўзибоевна — 2-тикув фабрикаси касаба союз ташкилотидан.

99-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Полушкин** Эмиль Наумович — «Ташавтомаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Буцилин** Владимир Ильич — «Ташавтомаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Қодирова** Галина Михайловна — «Ташавтомаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Мамажонова Халима — «Ташавтомаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

Нефадьев Борис Михайлович — «Ташавтомаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

100-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Омонов** Абдулла — 211-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Йўлдошева** Шоҳида — 211-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Прикина** Рима Ивановна — 211-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ҳамидхўжаева Мая — «Ташавтомаш» заводи комсомол ташкилотидан.

Усмонов Нурмат — «Ташавтомаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

101-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Ризаева** Муқаддас Нишоновна — Тошкент Давлат консерваторияси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Зудов** Виталий Капитонович — Тошкент Давлат консерваторияси касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Кузьмин** Арсений Матханович — Тошкент Давлат консерваторияси касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Гетман Вадим Михайлович — бош почтамти касаба союз ташкилотидан.

Каримов Сирожиддин Сайфиевич — Тошкент Давлат консерваторияси комсомол ташкилотидан.

(Давоми 4-бетда).

Адабиёт ва санъат

КУЛГИ ДАРҒАСИ

Театр санъатининг буюк намояндаси Константин Сергеевич Станиславский суҳбатларидан бирида: «Актёр санъатдаги ўзини эмас, балки ўзидаги санъатни севмоги лозим»,— деган эди.

Ўзбек театрининг таниқли артистларидан бири Соҳиб Хўжаевнинг ижодий фаолияти билан танишар эканмиз, худди шундай ўзидаги санъатни ардоқлаган, бутун талантини, умрини театр санъатига бағишлаган киши қўз ўнгимизда намоён бўлади.

Бугунги кунда Соҳиб Хўжаев ўзбек саҳнасининг юлдузларидан бири. У ҳар бир ролни юксак маҳорат ва завқ билан ижро этади. Соҳиб Хўжаев саҳна сирларини, ролнинг моҳиятини яхши билгани ҳолда, шу асосий ғояни томошабинларга тўла етказишга ҳаракат қилади.

Соҳиб Хўжаев қизиқарли ва мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. У 40 йилдан буён ўз талантини такомиллаштириб, бойитиб боряпти. Зотан томошабинларга бўлган ҳурмат, театрга бўлган севги ҳар бир артистдан бу фазилатни талаб қилади.

1927 йилда Қўқон маориф клуби қошидаги Миршоҳид Мироқилов раҳбарлигидаги театр труппаси Ғулом Зафарийнинг «Ҳалима» пьесасини саҳналаштирмоқчи бўлди. Пьесада революциягача ва революциянинг дастлабки йилларида мавжуд бўлган қизларни мажбурий эрга бериш ҳоллари қаламга олинган эди. Аммо асарни саҳнага қўювчилар олдида бир қийин масала турарди — эпизодик ва оммавий саҳналарда одам етишмас эди. Миршоҳид Мироқилов Қўқон интернатининг дирекциясига янги постановкада иштирок этиш учун ўқувчилардан ажратишни илтимос қилди. Дирекция рози бўлгач, 12 киши танлаб олинди. Булар орасида паст бўйли, хушчақчақ Соҳибжонни исмли бола ҳам бор эди.

Бир ойдан сўнг спектакль тайёр бўлди. Соҳибжон унда эпизодик хизматкор ролини ижро этди. Клуб залини тўлдириб турган томошабинлар хизматкор — Соҳибжоннинг ҳар бир чиқишини гулдурос қарсаклар билан олқишладилар. «Спектакль тугагач,— деб эслайди Соҳиб ака,— Миршоҳид Мироқилов мени алоҳида хонага таклиф қилди. У ерга киргач, стол ёнида ўтирган қотмадан келган, текис қирқилган мўйлабли кишига кўзим тушди, салом бердим. У киши ўрнидан турди, ийманиб берган саломимга алик олгач, қўшиб қўйди: Қани азамат бери кел чи, айтгинчи, сенга саҳнада ўйнаш ёқдими? Мен ҳаяжонланиб кетдим ва қувониб «ҳа» дедим. Нотаниш киши жилмайди-да Мироқиловга деди:— Миршоҳид ака, бу болага кўпроқ эътибор беринг, у яхши артист бўлади. Мен хонадан коридорга чиқишим билан, мўйлабли нотаниш киши Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий эканлигини айтишди. Шу кундан бошлаб менинг артистлик ҳаётим бошланди. Мен репетицияларга доимий равишда бора бошладим, пьесалар ўқидим. Буюк қўшиқчилар ҳақида, актёрлар ва режиссёрлар ҳақида ҳикоялар ўқидим. Шу труппада «Арслон» пьесасида камбағал деҳқон ролини, «Туҳматчилар жазоси» да Мулла ролини муваффақият билан ўйнадим.

1928 йил. Ўзбек мусиқали театрининг таниқли арбоби Муҳиддин Қори-Ёқубов раҳбарлигидаги Андижон мусиқали драма театрининг шуҳрати бутун Фарғона водийсига ёйилди. Қори-Ёқубов Соҳибжонни ўз коллективига таклиф қилди. Андижонликлар хотирасида Соҳибжон ака роллар ижро этган «Ҳужум», «Икки коммунист», «Сигнал», «Маликаи Турондот» спектакллари ўчмас из қолдирган.

1939 йилда Андижон театри Ҳамзанинг «Бой ила хизматчи» спектакли билан Тошкентга гастролга келди. Тошкентликлар бу ажойиб спектаклни аўр қувонч билан кутиб олдилар. Айниқса Соҳиб Хўжаев ижро этган хизматкор — Холмат образи томошабинлар олқишига сазовор бўлди. Республиканинг биринчи президенти ва халқ талантларини ардоқловчи Йўлдош Охунбобоев Соҳиб Хўжаевни бу ролда кўргач, уни Муқимий номидаги музикали драма театрига ишга таклиф қилди. Мана 30 йилдирки, талантли актёр шу даргоҳда ишлаб келяпти. Бу вақт ичида у 150 дан ортиқ турли хил, турли ҳарактердаги образлар яратди. Соҳиб Хўжаев ўйнаган Яшиннинг «Нурхон», «Гулсара», Лопе — де-Веганинг «Қўзибулоқ», Хуршиднинг «Фарҳод ва Ширин», Д. Файзийнинг «Зарафшон қизи», Ҳ. Ғуломнинг «Тошболта ошиқ» спектакларини томошабинлар жондилдан севиб қолдилар.

Соҳиб Хўжаев санъат мухлисларига фақат театр актёри сифатидагина эмас, балки кинодаги бир қатор образлари билан ҳам таниш. «Фарғона қизи», «Насриддиннинг саргузаштлари», «Сайдионда учрашамиз», «Мафтунингман», «Ёр-ёр» кинофильмларида у ўйнаган роллар кўпчиликнинг ёдида қолган.

ЎзССР халқ артисти Соҳиб Хўжаевнинг театрдаги фаолиятига 40 йилдан ошиб қолди. Бу даврда у турли спектакларда 300 дан ортиқ, кинода эса 10 дан ортиқ образ яратди. Бундан ташқари у радио ва телеспектакларда ҳам кўплаб ролларни ижро этди. Республикамиз меҳнаткашлари Соҳиб Хўжаев иштирок этадиган «Табассум» радиожурнали эшиттиришларини ва юмористик телевизион пьесталарни мириқиб томоша қиладилар.

Халқ ўз артистини — беқиёс кулгу даргасини беҳад севади ва ардоқлайди. Соҳиб Хўжаев — Тошкент шаҳар Совети депутати. Меҳнат Қизил Байроқ ордени, медаллар ва Ўзбекистон ССР Олий Совети Фахрий ёрлиқлари билан тақдирланган.

Ҳа, Соҳиб Хўжаев «ўзидаги санъатни» ардоқлайдиган, уни доимо такомиллаштирадиган ва бойитадиган актёр. Бу санъат халққа, она-Ватанга доимо хизмат қилади.

Б. НАСРИДДИНОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи консультанти.

ЯНА БИР ЯНГИ НОМ

Муҳтарам оқшомхонлар, шу кунларда ёш ижодкорлар айниқса кўп кўзингизга чалинаётгани, лекин уларнинг оз қисми ёдингизда қолаётгани ҳеч қимга сир эмас. Нега шундай? Чунки, бу адабий ҳаракатчилик. Энг дурдона шеърларни кутиб ўтирилса, иш юришмайди, адабий ҳаракатчилик тўхтаб қолади. Лекин бу «мўл-кўлчилик»нинг бир ёмон томони бор: жез билан тилланинг фарқини ажратиб олиш қийинлашиб қолади. Шуни ўйлаб, қуйидаги шеърларни редакцияга олиб келганда. «икки оғиз сўз» ёзишни, бу шеърларнинг «жез» эмаслигини таъкидлаб ўтишни лозим топдим.

Сабриддин Садриддиновнинг шеърлари самимий. У ўқувчига ниманидир деғиси, уни руҳан бойитгиси келади. Ҳали унда умумийлик, юзакилик, саёзлик каби камчиликлар борки, бу албатта, унинг йиллаб меҳнат қилиши, билим ва тажриба орттириб бориши лозимлигини кўрсатади. Бу унинг ўзига боғлиқ: шу бугун эълон қилинаётган шеърлар даражасидан пасаймаса келгуси сафар унинг имзосини эслаб қолишга ҳаракат қиламиз. Борди-ю, иш аксинча бўлса, бугунги дуруст шеърлар «мўл-кўлчилик»нинг ичида одатдагидай, «йўқолиб кетиши» ҳеч гап эмас. Умидворлик яхши нарса, умидвормиз бу янги номдан...

Ю. ШОМАНСУРОВ,
Ўзбекистон Ёзувчилар Союзи консультанти.

Ханжар

Одамлар уни кўп сўкмайлик бунча,
Қачонки дунёда бор экан риё,
Бор экан хиёнат, ёлғонлар зеро,
Қўлда яраласин ханжар бугунча...
Ханжар!
Сенинг мадҳинг расмдан қолган,
Лаънат тамғасини этдилар инъом.
Аммо асрларга ларзалар солган,
Беҳад қудратингга келтирдим имон.
Жаллодлар қўлида ўйнаган бўлсанг,
Сернуқсон оламда учраган хато.
Ҳавасим келганди сени кўксинга,
Қадаркан номусли, шердил Отелло.
Отабек дардига бергансан таскин,
Оловли йилларнинг энг сўнгги ҳукмин,
Содиқ дўст фақат сен айлайсан бажо.
Одамлар,
Ханжарга лаънат дегунча,
Ҳаммага тилангиз садоқат, вафо!

Ирмоқлар

Олисларга кўз тикиб,
Оқар жўшиб ирмоқлар.
Екасига гул тақиб,
Қўшиқ куйлар ирмоқлар.
Бу қўшиқнинг бор сеҳри,
Бу қўшиқда эркинлик.
Бу қўшиқда ёр меҳри,
Бу қўшиқда тўқинлик.
Далалар, гулзорлардан,
Куйлаб ўтар ирмоқлар,
Даралар, боғзорлардан,
Бўйлаб ўтар ирмоқлар.
Чилвир сочдай эшилиб,
Сўйлаб ўтар ирмоқлар.
Бир-бирига қўшилиб,
Куйлаб ўтар ирмоқлар.

Бир гўзал

Қўлингдаги бир дона гулинг,
Тушиб кетди ерга ногаҳон.
Чангга ботган гулингга боқиб,
Хаёлларинг бўлди паришон.
Бир гул ботиб тупроққа агар,
Берган бўлса қалбингга озор.
Унда нечун гуллар экканни,
Йўлларингга қилиб кетдинг зор?!

* * *

О, йўқ асло бундай зўр гуноҳ,
Қилмоқликдан беҳуда ғазаб.
Гулдек қалбни кул қиламиз гоҳ,
Жаҳл отига миниганда асаб.
Инсон қалбин авайла, инсон!
Юракларга завқдан эккил гул.
Шамни пуфлаб ўчириш осон,
Минг бор пуфлаб ёндирмоқ мушкул.

Сабриддин САДРИДДИНОВ.



Шимол илҳоми

(ТУРКУМДАН)


ҚАРА, ҚАНДАЙ...

Қара, қандай учади
оққуш
Доиралар ясаб, солиб
из.
Шунчалар ҳам тоза у
оқ тўш,
Шунчалар ҳам сулув
ва тенгсиз.
Қара, қандай учади
оққуш
Эркин - эркин силкиб
қанотин.
Эшитгандай
борликдан олқиш
Кўз-кўз этар бутун
ижодин.
Қара, қандай учади
оққуш
Кўкрак уриб денгиз
сатҳига.
Телмураман мен унга
сархуш
Гўзалликка ўқиб
мадҳия.

СЕВАН ҚИЗИ

Меҳмон этган мени,
На Масис, на Севан.
Ва лекин мен уни
Севганим — севган.
Бир сулув қиз кўрдим,
Ригада, армани.
Бир жоду кўз кўрдим,
Чалғитар ҳамманн.
Унда тонг кўркию,
Сума — тун қароси.
Сеҳридан бошимда
Муҳаббат балоси.
Эрк бердим ўзимга,
Эридим ҳавасдан.
Акс этар кўзида,
Бутун бир Ҳаястан,
Севги фариштаси;
Ҳар найза киприги —
Гўё жон риштаси,
Гўё ишқ кўприги.
Сийлаган на Севан,
На Масис, Ереван.
Ва лекин у юртни
Севганим — севган.

Хайриддин САЛОҲ.



Революция хиёбонининг қишки манзараси.
Э. Тўраев фотоси.

ХАНДАЛАР

Бир ёш йигитча немис тилини ўрганмоқчи бўлибди. У ўқитувчидан «Немис тилини ўрганиш жуда ҳам қийинми»,— деб сўраган экан, ўқитувчи: «Ҳа, биринчи ўн дарс қийин бўлади, аммо кейин сиз немис тилининг гўзал тил эканлигига ишонч ҳосил қиласиз»,— деб жавоб қайтарибди. Шунда ҳалиги йигит:

— Ундай бўлса, дарсни ўн биринчи машғулотдан бошлай қолайлик,— дебди ўқитувчига.

Немисчадан
Ш. ЕҚУБОВ
таржимаси.

ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ ВА САНЪАТИ ҲАФТАЛИГИ ОЛДИДАН

Кенгес СМАМУТОВ.



Дилбар

(ҲИКОЯ)

Уй ичи тўқсон тушгандай совуқ. Эшик олдидаги кўмирни қор босибди. Кампир ташқаридан ўтин келтириб, печкани қиздирди. Нонушта қилгач, пол ювди. Мебелларни тозалади. Болтабойнинг тапочкаларига кўзи тушди-ю, Дилбарни эслади. «Қизи тушмагурнинг бир хабар олмаганн нимаси?! Техникумнинг ўқиши шунча қийинмикан!»

Қош қорая бошлади. Боғдагул хола янги дастурхонни сандиқдан олиб столга ёзди. Дилбар келиб қолар деган умидда гастрономдан бир шиша портвейн келтирди. «Йилига бир марта келадиган байрамку!».

Байрамга деб тайёрлаган нарсаларини стол устига тахлагандан кейин бироз тинчланди. Соатга қаради. Бирпасда ўн бўлиб қолибди. «Хов,— деб ирғиб турди у.— Дилбар Болтабойнинг магнитофонини эшитишни яхши кўрарди. Келтириб қўяйчи, Байрамда эшитмаса қачон эшитади.

Вақт жуда тез ўтяпти. Соат мили ўн иккига қараб юра бошлади. Кампир сабрсизланди. Эшик тақиллашини, Дилбарнинг товушини эшитгиси келди. Қиз эса йўқ. «Соат ўн иккида қандай бўлмасин келаман дегандику. Энди соатга қарашга журъат қилолмади. Тилсиз вақт эса бунга тушунмайди, Дилбардан ҳамон дарак йўқ. Яна икки соат ўтди. «Биздек бечоранинг уйида байрам кутиб нима қилсин. Мени менсимагандир».

У шу куни ечинмасдан ухлаб қолди. Эрталаб келган Гулбаҳромдан Дилбарни сўраганида:

— Анчадан бери кўрмадим. Ҳовлисини билмоқчи бўлиб келувдим,— деди аввалдан камгап Гулбаҳром ва унинг бунн сўрашга чиқиб кетди.

Байрамдан кейин Болтабойдан хат келди. У Дилбардан ҳеч хабар йўқлигини ёзибди. «Ойи!»— деб ёзибди у,— Дилбар уйга бориб турадими!? «Келиб нима қилсин», дея сўзланди хола. Энди ҳаммаси тушунарли. Азизанинг айтганлари тўғри экан. Болтабойнинг ўзи йўқ бўлгачдан кейин... Бу замоннинг қизларининг ҳаммаси шундай. Энди остонамга киритмайман!

Эртаси кечқурун коридордаги қўнғироқ жиринглади. Кампир эшикни очди-ю, ёпиб қўйди. Ташқарида ниманидир қоғозга ўраб қўлтиғига қисган Дилбар турарди.

— Очинг. Сизда ишим бор эди,— илтимос қилди у.

— Шу ерда туриб айтсанг бўлмайдими?

— Ичкари кирай...

— Ҳмм. Майли, кир!

У секин қадам ташлаб ичкари кирди. Илгаригидек эмас. Юзи докадек оқариб, кўз қорачуғи сарғая бошлаган. Лабларида қон йўқ. Шўхлик ўрнини аллақандай мулойимлик эгаллаган. Боғдагул хола аччиғидан тушиб, унга ачинди.—Қидириб юравергунча уйга келиб Болтабойнинг хатларини ўқиб бериб турсангчи, ҳеч бўлмаса. Мендай саводсиз эмассан-ку, чирағим.

Қиз индамади. Айбига иқрор бўлгандек қоғозга ўроғлиқ нарсани стол устига қўйди-да, чуқур нафас олиб курсига ўтирди.

— Қидирмоқ тугул ўринимдан қўзғолишга ҳам ҳолим келмади,— деди кучсиз товуш билан.—Сизникидан кетгандан кейин қаттиқ оғриб, касалхонага тушдим. Ҳозир ҳам поликлиникага қатнаб юрибман. Тўғрисини айтсам сизни безовта қилгим келмади. Болтабойга ҳам тузалгандан кейин хат ёзаман деб ўйладим.

Боғдагул хола эсанкираганидан, ҳов чирағимов, ҳов чирағимов!— дерди холос.

Дилбар эътибор қилмади. Қоғозни олиб:

— Сизга атаб жундан икки жуфт пайпоқ тиккан эдим, олиб келдим. Қайси куни совқотдим дегандингизку. Дарров кийиб олинг! Менга ўхшаб шамоллаб қоларсиз.

Қиз кулимсираб ўрнидан турди.

— Энди ҳар куни келиб турамаи,— деди эркаланиб товуш билан.— Ҳайр, соғ-саломат бўлинг!

Боғдагул хола Дилбарнинг қўлидан ушлаб, курсига қайта ўтказди.

— Кечир мени, чирағим!— деди кўзидаги ёш томчиларини кафти билан артиб, Қизни бағрига босиб пешонасидан ўпди.—Мен сени бугун ҳеч қаёққа юбормайман!

Қорақалпоқчадан
К. Иброҳимов таржимаси.

• АДАБИЙ ФЕЛЬЕТОН

ИЛТИМОСНОМА

Уни фақат бир нарса ташвишга соларди, у фақат бир нарсадан хафа эди. Шунча шеър, достон, қисса, роман ва тақриз, мақолалар ёзган-у, нима учун бу ҳақда катта тадқиқотлар, адабий-танқидий китоблар ёзилмайди! Тўғри, ёзганларининг кўпи босилиб чиққан эмас, аммо ёруғ дунё юзини кўрганларини нега эътиборли тадқиқотчилар, адабиётшунослар ўрганмайдилар! Ахир, ўнлаб, юзлаб асарларнинг қанча йиллардан бери адабиёт майдонида парвоз этиб юрганини силлиқлаш қилиб қистириб ўтди — бўлмади. Жиддий фикр-лайдиган танқидчиларга китобларнинг тақдимотини этиб кўрди — натижа чиқмади. Нарх борганда-у ер бу ерда номи тилга олинди холос. Аммо бу Ҳавоий мудаосига сираям яқинлашиб келмас эди. Нима қилиш керак!

Яхшиси, Ёзувчилар союзининг танқид бўлимига илтимоснома ёзиш керак, деган хулосага келди. У дарҳол ишни амалга оширишга киришди:

«Ҳурматли ўртоқлар!

Ҳозирги даврда катта ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий аҳамият касб этаётган тарихий воқеани эсдан чиқариб қўйганларингни кўрсатиш учун қўлимга қалам олишга мажбур бўлдим. Гап адабиётимиз тараққиётига озмикўпми, салмоқлимисалмоқсиз ҳисса қўшаётган насрчи, назмчи, шу кунларда филология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун бир ярим йилдан иборат илмий иш битаётган муҳтарам Ҳавоий домланинг ҳаёти ва фаолиятига етарли эътибор берилмаётгани ҳақида кетаётир.

Қанчалик жиддий хатога йўл қўяётганингизни ақлингиз билан тушуниб, юрагингиз билан ҳис қилиб олишингиз учун жонимиздан эмдб деб билган шоиримиз ижодининг асосий нуқталарини белгилаб бериб ўтишга шоҳ асарларни ҳақидаги баъзи мулоҳазаларим билан ўртоқлашмоқчиман.

Маълумки, Ҳавоий домламиз назм майдонига эшакда эмас, отда чопқиллаб кириб келди. Сўнгра наср осмонига самолётда эмас, ракетада учиб ўтди. Кандидат бўлиб олиш мақсадида олимлар даврасига қандай восита билан кўчмоқчи эканини айтолмайман. Бу ҳақда домламизнинг кандидатлик диссертациясини ҳимоя қилиб, олим бўлиб олгандан кейин гапиришга тўғри келади.

Демак, шоиримиз ижодига тўхталиб ўтамиз. Албатта, унинг барча шеърий ва насрий асарларини таҳлил этиб беришга ожизман. Мен бу вазифани бўлимингиз ишчиларини, яъни танқидчиларингиз биргалашиб-бирлашиб бўлдалай олса, биз ўқувчиларни бошқа кўкка етардик. Ҳозир мен фақат домламиз ижодининг асосий йўналишини белгилаб берган айрим муҳим шеър ва ҳикояларни юзасидан бир-икки оғиз сўз зикр этмоқчиман. Айниқса, янги илмга бағишлаб ёзилган шеърн диққатга сазовордир. Шеър мана шундай бошланади:

Давримиз шуҳрати
бор, шони бор.
Сабзаси бор, пиёзи
бор, нони бор.
Дард - ҳасратлардан
халос бўлган мутлоқ.
Шодликка бой, кулгига бой, кони бор.

Сатрларнинг тагида ҳам, устида ҳам маъно хазинасининг яширинб ётганини айтмайсизми?! План бажарилди, мажбурият адо этилди, дейиш ўринга шуҳрат шоҳнимиз, пиёз-нонимиз бор деб қўяқолган. Поэзия деган мана шундай бўлади-да! Энди буёғини эшитинг:

Хирмон-хирмон «оқ олтинлар» бўлади,
Баҳор унган гуллар
кузда сўлади.
Қишлоқдаги севишган
қизлар,
Қалби саодатга лиққа
тўлади.
Пахта далаларида
йил бўйи тер тўкиб,
меҳнат жангида қаҳрамонлик намуналарини намоён этганини шу тарздагидек ишонарли ва завқли қилиб ифодалаб беришга эришган бошқа шоирни билмайман. Лекин ойда ҳам доғ бор деганларидек, мазкур шеърда ҳам баъзи жузъий етишмовчиликлар мавжуд эканини айтмасдан ўтолмайман. Чунончи, автор пахтани қуй билан, қўшиқ билан роҳат қилиб терадиган, план тўлмаса тўйдан воз кечиб, мард-лик намунасини кўрсатадиган ошиқ-маъшуқлар ва шунингдек, меҳнат поэзиясидан, қаҳрамонона меҳнатдан илҳомланган теримчилар ҳақида лоақал бир сўз айтмаган. Ҳолбуки, бу мазкур шеърнинг ғоявий-бадиий фазилатларини алоҳида бўрттириб кўрсатишга ёрдам берарди. Хайрият-ки, ўша етишмовчиликлар мазкур асарнинг умумий мазмунига айтарлик даражада путур етказмайди.

Шунисн диққатга сазоворки, Ҳавоий ҳаётнмизнинг юлдуздай порлаб, қуёшдай кулиб турган ёруғ томонларини давр тараққиётининг қонуни сифатида тўғри гавдалантириб беради, у турмуш соялариии, қадр-будур томонларини типик бўлмаган ҳолат, деб эълон қилган, бунга эса бизда ҳеч қандай эътироз йўқ.

Насрий асарларида ҳам у шеърнятда олға сурган ғояларига содиқ қоладн. Бу борада «Учрашув» ҳикоясининг нур каби йўлимизни ёритиб турганини инкор-лаимасдан, ҳадиксирамасдан айтишимиз керак. Шундай қиламиз ҳам.

Ҳикояда муҳаббат деб аталган туйғу бутун нозиклиги, гўзаллиги билан ниҳоятда чуқур таҳлил этилган. Севишганлар қор-бўрон демай, иссиқ-совуқ демай ўз мақсадлари томон дадил интиладилар. Бошқача бўлиши ҳам мумкинми! Ахир, қалбга севги кирса, бас, у ўша ердан қайғу-ғамни, фироқни, бахтсизликни ҳайдаб чиқаради! Қаранг-а, совуқ қирқ даражага кўтарилади-ю, лекин ҳикоя қаҳрамонлари, мард севишганлар бунга асло парво қилмайдилар.

Мен оддий ўқувчи, Ҳавоийнинг ўқувчиси. Менинг мулоҳазаларим севган шоиримнинг ижодидаги минг фазилатдан биттасини ҳам ифодалаб беришга ожиз. Аслида Ҳавоийнинг кўп қиррали ва сермазмун ижоди том-том танқидий адабий китобларга, тадқиқотларга арзийди.

Ёзувчилар союзидаги танқид бўлимининг жонкуярлари масаланинг мана шу томонига яхши эътибор беришингизни сўраймиз, деб сизларга илтимоснома йўллаган Ҳавоийнинг кўп сонли ўқувчилари, деб билар-сиз. Бизлар жуда кўпмиз. Агар битта-биттадан имзо чексак, имзомизнинг ўзи бир китоб бўлади. Шунинг учун аризамизни имзосиз жўнатаётибмиз. Авфу эътибсиз бизларни».

Ҳавоий ўз кашфиётидан роса ҳузур қилди. Илтимосномани ўқувчилар номидан ёзишга ҳар қандай ёзувчи ҳам журъат қилавермайди. Йўқ, бу имзосиз думалоқ хат эмас. Чунки, текшириб қолишса, ўзим ёзганман, деб айта қоладн. Ахир, ўзи ёзган нарсаларининг яккаю ягона содиқ ўқувчисику! Бу ҳақиқатни ким инкор этади!

Норбой ХУДОЙБЕРГАНОВ.



Бердах номидаги қорақалпоқ ашула ва рақс ансамбли.
С. Маҳкамов ва Ҳ. Йўлдошев фотоси.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИГА САЙЛОВ ЎТКАЗУВЧИ ОКРУГ САЙЛОВ КОММИССИЯЛАРИ СОСТАВИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА.

Меҳнаткашлар депутатлари Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг қарори

КИРОВ РАЙОНИ БЎЙИЧА

(Боши 2-бетда).

102-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Токарев** Владимир Григорьевич — Тошкент экскаватор ремонти заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ҳайров** Шевкет — Тошкент экскаватор ремонти заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь— **Комраков** Юрий Иванович — Тошкент экскаватор ремонти заводи ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Сутягина Клавдия Ивановна — Тошкент экскаватор ремонти касаба союз ташкилотидан.

Левкович Игорь Львович — Тошкент экскаватор ремонти комсомол комитетидан.

103-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Поликарпов** Виктор Петрович — Тошкент давлат подшипник заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Усмонхўжаев** Раҳматилла Неъматович — Тошкент Давлат подшипник заводи ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь— **Сизова** Алла Фёдоровна — Тошкент Давлат подшипник заводи коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Анисимов Владимир Фёдорович — Тошкент Давлат подшипник заводи касаба союз ташкилотидан.

Зокирова Ҳакима — Тошкент Давлат подшипник заводи коммунистик ташкилотидан.

104-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Эшмуҳамедов** Жўра — 150-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Воронен-ко** Валентина Дмитриевна — 150-мактабнинг ўқитувчилар коллективидан.

Секретарь — **Жалилова** Луиза Ахроровна — 150-мактаб комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Астраханцева Анастасия Андреевна — 150-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Карачевская Нина Дмитриевна — 150-мактаб касаба союз ташкилотидан.

105-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Хўжаев** Ҳамид — «Узкультторг» базаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Азизхонова** Хуршида — «Узкультторг» базаси комсомол ташкилотидан.

Секретарь — **Головачева** Галина Александровна — «Узкультторг» базаси комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ворова Мария Фёдоровна — «Узкультторг» базаси коммунистик ташкилотидан.

Қосимов Рустам — «Узкультторг» базаси комсомол ташкилотидан.

106-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Инағомов** Илҳом Инағомович — 96-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ҳусанова** Ҳабиба — 96 мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Секретарь — **Додик** Жанна Зиновьевна — 96-мактаб комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Шоумаров Шофайзи — 96-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Эшмуҳамедов Қўчқор — 96-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

107-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Имомиддинова** Мавжуда — 63-мактабнинг коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Солнхова** Марҳабо — 63-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Секретарь — **Куцевол** Элла Андреевна — 63-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Исломов Тўлаган — 63-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Қосимов Носир — 63-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

108-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Отабекова** Матлуба — Охунбобоев номли республика медицина билим юрти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Воронен-ко** Валентина Дмитриевна — 150-мактабнинг ўқитувчилар коллективидан.

Секретарь — **Жалилова** Луиза Ахроровна — 150-мактаб комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Астраханцева Анастасия Андреевна — 150-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Карачевская Нина Дмитриевна — 150-мактаб касаба союз ташкилотидан.

105-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Хўжаев** Ҳамид — «Узкультторг» базаси коммунистик ташкилотидан.

(ДАВОМИ. Боши газетанинг ўтган сонида).

Раис ўринбосари — **Умаров** Мурод Ғаниевич — Охунбобоев номли республика медицина билим юрти коммунистик ташкилотидан.

Секретарь —**Хабибуллаев** Ғайрат — Охунбобоев номли медицина билим юрти коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Рогачева Людмила Степановна—Охунбобоев номли республика медицина билим юрти ходимларидан.

Коган Любовь Григорьевна — Охунбобоев номли республика медицина билим юрти касаба союз ташкилотидан.

110-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Ортиқов** Эркин—20-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Азимова** Халима — 20-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретарь—**Хўжаева** Нури—20-мактаб ўқитувчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Юмашева Нина Васильевна—20-мактаб ўқитувчиларидан.

Бабанина Таисия Семеновна—20-мактаб ўқитувчиларидан.

111-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси —**Акбаров** Ғани—«Узоптгалантерея» республика базаси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Комилов** Хасан—«Узоптгалантерея» республика базаси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Содиқова** Нурхон—«Узоптгалантерея» республика базаси комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Алимова Санобар—«Узоптгалантерея» республика базаси комсомол ташкилотидан.

Турдналиева Муҳаббат—«Узоптгалантерея» республика базаси ходимларидан.

112-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Каримов** Бурхон—1-автобаза коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Абдураҳмонова** Тамара Петровна—1-автобаза коммунистик ташкилотидан.

Секретарь—**Ежова** Валентина Ивановна—1-автобаза ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Ибраев Шавкат —1-автобаза коммунистик ташкилотидан.

Ахмеров Анатолий —1-автобаза касаба союз ташкилотидан.

113-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Галстян** Спартак Саркисович—Металлобитремонт» комбинати коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Хусанов** Сидиқ—«Металлобитремонт» комбинати коммунистик ташкилотидан.

Секретарь—**Брунер** Роза Адамовна—«Металлобитремонт» комбинати комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Шокиров Муҳаммад—«Металлобитремонт» комбинати коммунистик ташкилотидан.

Козелский Альберт Иванович—«Металлобитремонт» комбинати ходимларидан.

114-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Апанасова** Лидия Андреевна—Тошкент асбобсозлик заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбораси — **Холодова** Надежда Андреевна — Тошкент асбобсозлик заводи комсомол ташкилотидан.

Секретарь—**Александрова** Маргарита Алексеевна—Тошкент асбобсозлик заводи ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Маллаев Рўзиқул — Тошкент асбобсозлик заводи комсомол ташкилотидан.

Шарипов Иван Васильевич—Тошкент асбобсозлик заводи касаба союз ташкилотидан.

115-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Португалова** Евгения Ильинична—Тошкент асбобсозлик заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари —**Ходус** Мария Сергеевна — Тошкент асбобсозлик заводи ишчи-инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Секретарь—**Назлимов** Ёқуб — Тошкент асбобсозлик заводи касаба союз ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Келдиев Тоҳир Содиқович—Тошкент асбобсозлик заводи комсомол ташкилотидан.

Абрашкина Лидия Дмитриевна—Тошкент асбобсозлик касаба союз ташкилотидан.

116-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Нормуҳамедова** Фотима—117-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Раис ўринбосари — **Турсунов** Осим—117-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Солижонова** Розия — 117-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Исломов Муҳаммад—117-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Мирмуҳамедова Назира— 117-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

117-САЙЛОВ ОКРУГИ:

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Лабинин** Иван Николаевич—Чинобод санаторийси коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Ким** Леонид—Чинобод санаторийси ходимларидан.

Секретарь—**Шадрина** Татьяна Григорьевна—Чинобод санаторийси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Морозова Анна Наумовна—Чинобод санаторийси касаба союз ташкилотидан.

Горбунова Ольга Михайловна—Чинобод санаторийси ходимларидан.

118-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Осокин** Геннадий Алексеевич—58-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари—**Годженов** Рефат Асанович—58-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Секретарь — **Безрукова** Нина Михайловна—58-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Прохоренко Александр Дмитриевич—58-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Шишкина Лариса Николаевна—58-мактаб касаба союз ташкилотидан.

119-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Коровина** Мария Ивановна—Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Назарова** Валентина Ивановна—Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги ходимларидан.

Секретарь — **Лифонтов** Александр Федорович — Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Кулявец Григорий Никифорович—Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги коммунистик ташкилотидан.

Черников Евгений Иванович—Ўзбекистон ССР ички ишлар министрлиги ходимларидан.

120-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси —**Литинский** Яков Маркович — 174-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Орбельян** Ашулос Тетеосовна—174-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретарь— **Сатторов** Қаҳҳор Сатторович—174-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Нишонов Олим — 174-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Богданова Валентина Семёновна—174-мактаб коммунистик ташкилотидан.

121-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси—**Шарипов** Асатилла Ҳикматович—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари— **Мурдахаев** Юзеф Мурдахаевич—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғи ходимлари коллективидан.

Секретарь — **Барильникова** Алефтина Демьяновна —Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғи ходимлари коллективидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Турсунов Назир— Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғи касаба союз ташкилотидан.

Умарҳўжаева Ойпошша—Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ботаника боғи ходимлари коллективидан.

122-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Озерецковская** Людмила Ивановна — 2515-автоколонна ходимларидан.

Раис ўринбосари — **Иброҳимов** Тожиддин — 2515-автоколонна касаба союз ташкилотидан.

Секретарь — **Петрова** Александра Александровна — 2515-автоколонна ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Сандусмонова Мавжуда—2515 автоколонна касаба союз ташкилотидан.

Усмонов Неъмат — 2515-автоколонна ходимларидан.

123-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Березин** Сергей Александрович — 98-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Раис ўринбосари — **Барсукова** Александра Ивановна — 98-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Нурмуҳамедова** Мира Михайловна — 98-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Губайдуллина Римма Хасановна — 98-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Муратов Юрий Петрович — 98-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

124-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси— **Лесних** Анастасия Ильинична — «Узбексельмаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Боровских** Валентин Дмитриевич — «Узбексельмаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Амирова** Раиса Абдуллаевна — «Узоексельмаш» заводи ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Бойкова Нина Игнатьевна—«Узбексельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

Ўлатов Саидориф — «Узбексельмаш» заводи комсомол ташкилотидан.

125-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Полонская** Виктория Савельевна — «Узбексельмаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Кузнецова** Валентина Ивановна — «Узбексельмаш» заводи комсомол ташкилотидан.

Секретарь — **Вергазова** Асия Аҳмедовна — «Узбексельмаш» заводи ишчи, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Агеев Владимир Александрович — «Узбексельмаш» заводи коммунистик ташкилотидан.

Андрияко Василий Иванович—«Узбексельмаш» заводи касаба союз ташкилотидан.

126-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Яковлев** Иван Андреевич — 105-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Раис ўринбосари — **Мурсикаев** Дамир Александрович — 105-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Секретарь — **Тавбаева** Насиба Муродовна — 105-мактаб комсомол ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Шермуҳамедов Рихсибой Қўчқорович — 105-мактаб комсомол ташкилотидан.

Низомова Диля Шариповна — —105-мактаб коллективидан.

127-САЙЛОВ ОКРУГ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Акбаров** Воҳид Умарович — 105-мактаб коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари — **Кандинова** Валентина Ефимовна — 105-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Секретарь — **Юсупов** Исҳоқ Юсупович — 105-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Тўлаганова Ҳури — 105-мактаб касаба союз ташкилотидан.

Обожаев Юрий Иванович — 105-мактаб ўқитувчилар коллективидан.

128-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Звягинцева** Галина Михайловна — электротехника алоқа институти ходимларидан.

Раис ўринбосари — **Куртяков** Салим Умарович — электротехника алоқа институти коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Авилкина** Елена Теофиловна — электротехника алоқа институти ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Гулидова Наталья Николаевна — электротехника алоқа институти комсомол ташкилотидан.

Абдуллаев Эдуард Рауфович—электротехника алоқа институти касаба союз ташкилотидан.

129-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Рикова** Раиса Тихоновна — электротехника алоқа институти коммунистик ташкилотидан.

Раис ўринбосари —**Мандральская** Нелля Викторовна — электротехника алоқа институти коммунистик ташкилотидан.

Секретарь — **Ваулина** Юлия Павловна — электротехника алоқа институти ходимларидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Жердецкая Лилия Александровна — электротехника алоқа институти касаба союз ташкилотидан.

Гранаткин Евгений Николаевич — электротехника алоқа институти комсомол ташкилотидан.

130-САЙЛОВ ОКРУГИ

Округ сайлов комиссиясининг раиси — **Богдасаров** Николай Александрович — Тошкент ёқилғи базаси ходимларидан.

Раис ўринбосари — **Каримжонов** Маҳмуджон — Тошкент ёқилғи базаси коммунистик ташкилотидан.

Секретарь —**Каракозов** Генрих Ервантович—Тошкент ёқилғи базаси коммунистик ташкилотидан.

Сайлов комиссияси аъзолари:

Раҳимов Жўрабой — Тошкент ёқилғи базаси касаба союз ташкилотидан.

Круглова Ольга Витальевна — Тошкент ёқилғи базаси комсомол ташкилотидан.

(Давоми бор).

Редактор
С. М. КАРОМАТОВ.

Реклама ва эълонлар

Радио

3 февраль

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 «Вагонлар тўлиқ ишга солинсин». Ўрта Осиё темир йўли бошлиғининг ўринбосари Я. Е. Баходирнинг сўзи (русча). **18.10** Ленин ва партия ҳақида қўшиқлар (русча). **19.20** Татар куйларидан концерт. **20.00** «Юность Узбекистана» радиостанциясининг программаси. **20.40** Куйлар (русча). **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун музикали-адабий программа (ўзбекча). **21.55** «Саломатлик—туман бойлик» (ўзбекча). **22.30** «Маскарад» радиопостановкаси. Радио эшитувчиларнинг талабларига мувофиқ (ўзбекча).

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

19.00 Г. Мушель. «Кашмир афсонаси» балетидан сюита. **19.30** «Э. Григ куйлари янграйди» деган музикали эшиттириш (русча). **20.00** Қорақалпоқ адабиёти ва санъати ҳафталиги олдидан. Н. Довқораевнинг «Ҳаёт шундай бошланганди» деган ҳикояси (тожикча). **20.20** «Бузрук» мақомидан парчалар. **21.00** «Мен коммунист» деган радиокомпозиция (ўзбекча). **21.40** Москва. Миллионлар ленинча университети.

4 февраль

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

6.15 Тонгги концерт. **8.25** Республикада хизмат кўрсатган артист Р. Мазоҳидова ва солист М. Исомиддинов ижросида қўшиқлар. **9.30** Ф. Назаров. Симфоник оркестр учун сюита. **10.10** Эстрада куйлари (русча). **10.30** «Фарҳод ва Ширин» музикали драмасидан парчалар. **11.15** «Институт ва лабораторияларда» деган эшиттириш (ўзбекча). **11.30** Ю. Николаев дебочаси. **12.45** «Замондошларимиз» деган адабий эшиттириш (русча). **13.30** «Дўстлик хороводи» деган концерт. **15.15** Ҳ. Шариповнинг «Қуёшга ошиқман» поэмаси асосида радиокомпозиция (ўзбекча). **16.10** «Узбекистон композиторларининг опера куйлари» деган суҳбатли концерти (ўзбекча). **16.50** «Правда» газетасининг обзори.

18.00 «Колхозларда йил якуни» деган эшиттириш (русча). **18.10** Най тароналари. **18.40** Спорт эшиттириши (ўзбекча). **19.20** Республика композиторларининг хор асарлари. **20.00** «ЕШЛИК» радиостанциясининг программаси. **20.30** Ешлар учун концерт. **21.00** Халқаро мавзуларда суҳбат (ўзбекча). **21.10** Қишлоқ меҳнаткашлари учун музикали-адабий программа. **22.20** «Баҳор» ансамбли созандаларининг концерти. **22.40** «Курашаётган Вьетнам адабиёти». «Шеърият ўқи билан» деган эшиттириш (ўзбекча). **23.15** Кечки концерт.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

8.25 Классик куй шинавандалари учун концерт. **9.15** Реклама ва эълонлар.

19.00 Ойбек. «Даврим жароҳати» поэмаси асосида радиокомпозиция (ўзбекча). **19.30** Совет Армияси жангчилари учун концерт (русча). **20.00** Тожикистон композиторларининг қўшиқлари. **20.30** Қорақалпоқ куйлари. **20.50** «Шарқ қизи» Тожикистон радиосининг эшиттириши (русча). **21.00** «Китоб билан учрашув» деган эшиттириш (ўзбекча). **21.40** Москва. Миллионлар ленинча университети.

УЧИНЧИ ПРОГРАММА

13.00 «Оқ йўл» деган музикали эшиттириш (русча). **14.30** В. Баков. «Альп балладаси» деган радиопостановка (русча).

А. НАВОИЙ НОМЛИ КАТТА ТЕАТРГА

театр билетларини тарқатиш бўйича вакиллар, декорация монтировкачилари (саҳна ишчилари), **электр билан ёритувчилар, костюмерлар, дуродгорлар, ёрдамчи ишчилар**

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, Киров кўчаси, 28-уй.

Телевизор

3 февраль

ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

18.00 Ўқувчилар учун. «Юнфильм» студиямиз меҳмони (ўзбек тилида).

Рус тилида: **18.25** Телевизион янгиликлар. **18.40** Совет Армияси жангчилари учун. «Чегарачилар». Ҳужжатли фильм. **18.55** Кўрсатишлар программаси.

Узбек тилида: **19.00** Капитал қурилишга катта эътибор берайлик! **19.30** Илғор чорвадорлар ҳузурида. **19.55** Телевизион театр. Ф. Шиллер. «Қароқчилар». Танаффус вақтида телевизион янгиликлар.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатишлар программаси. **20.00** Телевизион янгиликлар. **20.15** Классик куйлардан концерт. **20.45** «Зангори экран» ҳафталиги. **21.00** Интервидение. «Пионерия» телевизион агентлиги. **21.30** Миллионлар ленинча университети. КПСС тарихи. «Партия — немис-фашист босқинчиларини енгсон этишнинг ташкилотчиси» (1-эшиттириш). **22.00** Латвия ССР Давлат академик опера ва балет театри — 70 ёшда. **23.30** «Вақт» информацион программаси. **24.00** Москва эшиттиришларининг охири.

4 февраль

СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

12.55 Кўрсатишлар программаси. **13.00** Телевизион янгиликлар. **13.15** С. Прокофьев «Ўйинчи». Телеспектакль. **14.45** Экономиканинг актуал проблемалари. **15.15** Ўқувчилар учун. «Пионерия» телевизион агентлиги. **15.45** Москва кундузги эшиттиришларининг охири.

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

Рус тилида: **18.00** Телевизион янгиликлар. **18.15** Болалар учун. «Осмондан юқори». Телефильм. **18.40** «Истеъдод». Телефильм. **19.00** Бадиий фильм. **20.15** Кўрсатишлар программаси.

Узбек тилида: **20.20** 10 минут мусиқа. **20.30** Телевизион янгиликлар. **20.45** Рақс ўрганамиз. **21.15** «ЕШЛИК» студияси кўрсатади. «Она шаҳрим — Тошкентим». **21.45** «Бахтиёр ёшлик куйчиси». Ҳасан Пўлат. **22.10** Бадиий фильм.

ИККИНЧИ ПРОГРАММА

МОСКВА КЎРСАТАДИ

19.55 Кўрсатишлар программаси. **20.00** Телевизион янгиликлар. **20.15** Телевизион журнал. **21.00** Мактабгача ёшдаги болалар ва кичик ёшдаги ўқувчилар учун. «Қизиқарли алифбе». **21.30** Миллионлар ленинча университети. Социализм сиёсий иқтисоди. В. И. Ленин. «Мусобақани қандай ташкил этиш керак?» (2-эшиттириш). **22.00** «Трест» операцияси». Телевизион бадиий фильм (1-серияси). **23.30** «Вақт» информацион программаси. **00.15** XX аср чет эл санъатининг прогрессив усуллари. **01.00** Конькида фигурали учиш бўйича Европа биринчилиги. **02.20** Москва эшиттиришларининг охири.

Кино

3 ФЕВРАЛДА

Ака-ука Кармазовлар (1-2 сериялар)— САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6 да), «ЧАЙКА» (кечқурун).

Тошдаги достон (1-2 сериялар) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛИГИ», —НАВОИЙ номли (кеч соат 6 дан 40 минут ўтганда).

Осмон учинчи қаватдан бошланади — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кечқурун). САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 9 да).

Омад сўқмоқлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кечқурун).

Фариштa куни — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кечқурун).

4 ФЕВРАЛДА

Ака-ука Кармазовлар (1-2 сериялар) — САНЪАТ САРОЙИ (кеч соат 6 да), «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тошдаги достон (1-2 сериялар) — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ДРУЖБА». «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», (кундуз соат 3 да), НАВОИЙ номли (кундуз соат 2 да ва кеч соат 6 дан 40 минут ўтганда).

Осмон учинчи қаватдан бошланади — «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун), САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 11, кундуз соат 1 да ва кеч соат 9 да).

Омад сўқмоқлари — «ЎЗБЕКИСТОН» (кундуз ва кечқурун).

Фариштa куни — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРДА — 4/II да **Чио-Чио-Сан**, 5/II да **Гўзал Ҳаёт ошиқлари.**

ҲАМЗА НОМЛИ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 4/II да **Уғирланган умир**, 5/II да **Муҳаббат айиқномa.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ТЕАТРДА— 3/II да **Ўғил уйлантириш**, 5/II да **Навоий Астрободда.**

Ташпромторгга қарашли

янги очилаётган

«НАВОИЙ» МАКТАБ-МАГАЗИНИ

саноат моллари сотувчиси касбига ўргатиш учун 8—10 синф ҳажмида маълумотли 18 дан 25 ёшгача бўлган йигит ва қизларни

ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул қилинганлар учун ойига 45—54 сўм ҳажмида стипендия тўланади. Ўқиш муддати 6-ой.

Ўқишни тамомлаганлар Ташпромторг савдо ташкилотларига ишга юборилади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳар, академик Сулаймонова кўчаси, 41-уй, кадрлар бўлими.

1969 йил 17 февраль кундуз соат 2 да, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси химия технологияси ва биология фанлари бўлимининг ботаника профили бўйича бирлашган илмий совети мажлисида (Гоголь кўчаси 70-уй) биология фанлари кандидати деган илмий даражани олиш учун

Ф. Х. Хамадиева «Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг ботаника боғида шароитга мослаштирилган сирень турларининг биологик хусусиятларини ўрганиш» деган темада;

Ф. Саъдуллаев «Ўзбекистон бўз тупроқларидаги халқасимон жойлашган актиномицетлар ва уларнинг антибиотик хусусиятлари» деган темада

ДИССЕРТАЦИЯ ЁҚЛАИДИЛАР

Диссертациялар билан академия кутубхонасида танишиш мумкин (А. Тўқаев кўчаси, 1-уй).

Тошкент оқшоми 4 БЕТ. 3 ФЕВРАЛЬ, 1969 Й.

«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» орган Ташкентского горкома КП Узбекистана и Ташгорсовета

БИЗНИНГ АДРЕС: Тошкент шаҳар, Дзержинский кўчаси, 15- уй. Редакция телефонлари: Коммутатор—33-02-49 дан 33-02-58 гача, редактор ўринбосарлари 33-29-33, 33-29-09, масъул секретарлар— 33-27-22, партия совет ва касаба союз ташкилотлари шаҳар хўжалиги бўлимлари, 33-29-42 адабиёт санъат ва маданият бўлими 33-29-55, хатлар ва оммавий ишлар физкультура ва спорт бўлимлари— 33-29-70, фан ва олий ўқув юртлари иллюстрация бўлимларн 33-27-57, аҳборот бўлими —33-65-57; эълонлар бўлими—33-81-42.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети Бирлашган нашриётининг босмахонаси Тошкент шаҳри

Индекс 64579.

Нашр. № 2669

Р. 10942.